



СУФУРТА БОЗОРИДА СУФУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

М.Абдурахманова

и.ф.н., доцент, ФарДУ

К.Хонкелдиева

кадетта ўқитувчи (PhD), ФарДУ

Н.Хомидова

иҗтимоий иш кафедраси магистранти, ФарДУ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати, бозорнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи муҳим статистик қўрсаткичлар асосида таҳлил қилинган, мазкур қўрсаткичлар бўйича хорижий мамлакатлар суғурта бозорлари билан тақъосланган ва шу асосда хуносалар қилиниб, бозорнинг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таваккалчилик, табиий ҳодиса, стихияли ҳодиса, суғурта, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, ўзаро суғурта.

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлсада, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир.

Суғурта бозоридаги кучли рақобат ушбу бозорда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниясининг ўз устида доимий ишлашини, рақобатда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб боришини, мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги ҳар жиҳатдан илғор суғурта компанияларининг тажрибаларини ўрганиш ва ўз фаолиятига татбиқ этиш, тариф ставкаларининг оптималлигини таъминлаш мақсадида актуар ҳисоблардан кенг фойдаланиш, тариф ставкаларини пасайтириш имконини берувчи инвестиция ва бошқа даромад манбаларидан самарали фойдаланиш,





потенциал суғурталанувчиларни кўпроқ жалб қилиш ва мавжуд суғурталанувчиларни сақлаб қолиш мақсадида, турли қўринишдаги қўшимча хизматлар ва бонусларни қўллашга, суғурталанувчи манфаатларини кўпроқ эътиборга оловчи суғурта шартномаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга мажбур қиласди. Шундай ҳаракатларни ўзининг фаолият мазмунига айлантирган суғурта компанияларининг миллий бозорда кўпайиши охир оқибатда суғурталанувчилар сонининг кўпайиши, тўпланаётган суғурта мукофотларининг сезиларли даражада ошиши ва суғурталанувчилар ўртасида суғурта компанияларига бўлган ишончнинг ортишига олиб келади.

Дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари кучайиб, мамлакатлар ўртасида савдо, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро муносабатлар кенгайиб бораётган бугунги кунда суғурта хизматлари тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Ушбу тадқиқот суғурта компаниялари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масаласи суғурта соҳасининг кенгайишида, суғурталанувчиларнинг суғурта компанияларига бўлган ишончининг ортишида ва ўз ўрнида суғурта хизматлари баҳосининг пасайиши ҳамда сифатининг ортишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини асослаш, шу мақсадда соғлом рақобат муҳитини яратиш йўлларини ишлаб чиқишига қаратилган. Шундан келиб чиқкан ҳолда, ушбу тадқиқот қуидаги мақсадларни кўзда тутади: соғлом рақобат шаклланишининг шарт-шароитларини аниқлаш; суғурта соҳаси ривожланган мамлакатларда соғлом рақобат муҳитининг ҳолатини аниқлаш; Ўзбекистон миллий суғурта бозорида рақобат даражаси ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун суғурта бозорида кучли ва соғлом рақобатни шакллантиришга қаратилган халқаро даражадаги журналларда эълон қилинган мақолалар ва бошқа манбалар ўрганилди ва ушбу манбалар ва тажрибаларга асосланган ҳолда Ўзбекистон суғурта бозоридаги мавжуд ҳолат ҳамда ушбу ҳолатга таъсир этувчи қонунчилик танқиқдий жиҳатдан таҳлил қилинди. Белгиланган мақсадга эришиш мақсадида амалга оширилган таҳлилларда турли молиявий коеффициентлар ва статистик усуллардан, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида суғурта бозорида суғурта хизматларини таклиф этаётган суғурта компаниялари ўртасида ўзаро рақобатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, рақобатнинг ва хусусан соғлом рақобатнинг кучайишига олиб келувчи омиллар, бунинг натижасида тариф ставакларининг пасайиши ҳамда хизматлар сифатининг ортиши, қўшимча хизматларнинг шаклланиши асосланган. Амалга оширилган тадқиқотлар ва хулосаларга асосланган ҳолда муаллиф томонидан Ўзбекистон миллий суғурта бозорида соғлом рақобатни кучайтиришда мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Хорижий мамлакатлар






суғурта бозорларини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон миллий суғурта бозорида рақобатни кучайтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида чет мамлакатларнинг илғор суғурта компаниялари учун маълум даражада ички бозорни очиб бериш масаласи илгари сурилган. Яна бир олинган муҳим натижа сифатида, миллий бозордаги суғурта хизматларининг йирик истеъмолчилари томонидан суғурта компанияларини танлашда барча суғурта компаниялари иштирок этиш имконияти яратилган шаффоф танловни ташкил этиш масаласидаги таклифи муҳим ютуқлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай соҳанинг талаб даражасида ривожланишини таъминловчи муҳим омил бўлиб ушбу соҳада юқори даражада соғлом рақобатнинг шаклланганлиги ҳисобланади. Мазкур омил дунёning кўплаб олимлари томонидан асослаб берилганлиги ва халқ орасида оммавийлашиб кетиши, унинг исбот талаб қилинмайдиган аксиома даражасидаги омил эканлигини эътироф этиш имконини беради. Ушбу ҳолат суғурта соҳасига ҳам бирдай тегишли бўлиб, суғурта хизматларининг ҳажми ва сифатини оширмоқчи бўлган ҳар қандай мамлакат асосий эътиборни ушбу масалага қаратиши ҳар жиҳатдан тӯғри бўлади.

Суғурта бозоридаги кучли рақобат ушбу бозорда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниясининг ўз устида доимий ишлашини, рақобатда ўз мавқенини сақлаб қолиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориши, мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги ҳар жиҳатдан илғор суғурта компанияларининг тажрибаларини ўрганиш ва ўз фаолиятига татбиқ этиш, тариф ставкаларининг оптималлигини таъминлаш мақсадида актуар ҳисоблардан кенг фойдаланиш, тариф ставкаларини пасайтириш имконини берувчи инвестиция ва бошқа даромад манбаларидан самарали фойдаланиш, потенциал суғурталанувчиларни кўпроқ жалб қилиш ва мавжуд суғурталанувчиларни сақлаб қолиш мақсадида, турли қўринишдаги қўшимча хизматлар ва бонусларни қўллашга, суғурталанувчи манфаатларини кўпроқ эътиборга олувчи суғурта шартномаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга ҳаракат қиласи. Шундай ҳаракатларни ўзининг фаолият мазмунига айлантирган суғурта компанияларининг миллий бозорда кўпайиши охир оқибатда суғурталанувчилар сонининг кўпайиши, тўпланаётган суғурта мукофотларининг сезиларли даражада ошиши ва суғурталанувчилар ўртасида суғурта компанияларига бўлган ишончнинг ортишига олиб келади.

ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

- 1.Абдурахмонова, М. М. (2020). Ижтимоий иш касбий фаолиятининг мактабга йўналтирилган соҳасини ривожланишида жаҳон амалиёти тажрибалари. *Журнал Социальных Исследований*, 3(6).





2.Абдурахмонова, М. М. (2021). Теории межсекторальных подходов к защите детей. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.

3.Абдурахмонова, М. М. (2021). Необходимость изучения общественного мнения для принятия эффективных решений в школе. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.

4.Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Узбекская модель развития малого предпринимательства. *Ученый XXI века*, 62.

5.Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). Efficiency of management of higher education institutions in the preparation of qualified personnel. *Человек. Наука. Социум*, (2), 8-27.

6.Абдурахмонова, М. М. (2021). Мактабларда самарали қарор қабул қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурияти. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).

7.Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. *Мировая наука*, (12), 56-59.

8.Абдурахмонова, М. М., & Мирзажонов, Ж. (2020). Роль конституции в построении правового государства и гражданского общества. *Теория и практика современной науки*, (3), 9-11.

9.Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Uzbek model of small business development. *Учёный XXI века*, (3-4 (16)), 58-63.

10.Madaliyeva, F., & Abduraxmonova, M. (2021). O'zbekistonda maktab bitiruvchi o 'quvchilarini kasb-hunar bilan ta'minlashda ijtimoiy ish amaliyoti. *Студенческий вестник*, (8-3), 94-95.

11.Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O'zbekistonda pensiya ta'minoti tizimini shakllantirishning muhim jihatlari. *Интернаука*, (7-2), 91-93.


12.Sharipova, K., & Abduraxmonova, M. (2021). O'zbekiston maktablarida mehribonlik uylari tarbiyalanuvchisi bo 'lgan o 'quvchilar bilan ijtimoiy ish amaliyoti istiqbollari. *Студенческий вестник*, (8-3), 82-83.

13.Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). Role of ethical culture in preventing violence among spupils. *Интернаука*, (11-2), 50-51.

14.Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.

15.Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.

80. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, 2(7), 586-592.





81. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг можияти ва ўзига хос хусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.
82. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, 2, 49.
83. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).
84. Хонкелдиева, К., & Муйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).
85. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).
86. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организаций: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).
87. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).

